

## **НУРОНИЙЛАР ДОНА СУРИШДИ**

Спорт ёш танламайды, деган гап топиб айтилган. Қайси спорт тури бўйича мусобақа ўтказилса, турли ёшдаги ишқибозлар бўлади. Айниқса шахматни кузатиш бошқачада. Икки киши ўйнайди, кўпчилик, ҳатто нафас олмай кузатади. Бугун нуронийлар масканида ўтказилган кексалар ўртасидаги шахмат мусобақасида ҳам шу ҳолатга гувоҳ бўлдик. Маҳаллалардан келган отахонлар ўзаро дона сурдилар. Албатта, мусобақа бўлгач, ғолиб аниқланади. Абдуқаҳдор Ўринбоев (Ёшлиқ МФЙ), Сайдулло Тўхтаматов (Сувлиариқ МФЙ), Абдухалил Турсунов (Наврўз МФЙ) фахрли ўринларни эгалладилар.

Мусобақа ғолибларини ҳоким ўринbosари Мирзоҳид Хатамов табриклаб, бундан буён ҳамиша нуронийларимиз туман ҳокимлиги эътиборида бўлишини таъкидлади.

Ғолибларга туман ҳокимлиги, нуронийлар бўлими томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Мусобақа фаоли, шахмат бўйича спорт усталигига номзод Обиджон Юсупов ва бошқа иштирокчиларга эсдалик совғалари улашилди. Тадбир нафақат мусобақа, дийдор ширин тарзда ўтди. Бир пиёла чой, палов устида сухбат қизиди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-10-24 09:02:54